

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ИШИ ҲАҚИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК УСУЛЛАРДА ИФОДАЛАШ

**Бозоров Акмал Амонович,
Солиқ академияси ўқитувчиси
Email: akesh_1988@mail.ru**

Аннотация: Ушбу мақолада жисмоний шахсларнинг иши ҳақидан олинадиган даромад солигининг жорий этилиши асослари, иқтисодий аҳамияти, амалиётга татбиқ қилиниши юзасидан иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазалари, уни ҳисоблашда ўсиб боровчи (прогрессив) ставкаларнинг қўлланилиши хусусиятлари, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши натижасида фуқаролар ихтиёрида қоладиган маблағлар динамикаси, унинг давлат бюджетидаги салмоғи каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, мақолада Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг иши ҳақидан олинадиган даромад солигини ортиб боровчи яқун бўйича ҳисоблаш амалиёти иқтисодий-математик усуллар орқали ифодаланган.

Аннотация: В данной статье тщательно рассмотрены вопросы такие как основы ведения налога на доходы физических лиц, экономическое значение, мнения и размышления экономических учёных по ведению в практику данного налога, особенности применения нарастающей (прогрессив) ставки в его исчислении, динамика средств остающей в распоряжении граждан в результате снижения налоговой ставки и его доля в государственном бюджете. Кроме этого, в статье отражена практика экономически-математических методов исчисления налога на доходы физических лиц нарастающим итогом.

Annotation: In this essay, questions such as the basics of taxation of personal income, economic significance, opinions and reflections of economic scientists on the practice of this tax, the specific application of the progressive (progressive) rate in its calculation, the dynamics of the means remaining at the disposal of citizens as a result decrease in the tax rate and its share in the state budget. In addition, the practice reflects the practice of economic-mathematical methods for calculating the tax on personal income by the cumulative total.

Таянч сўзлар: солиқ, иши ҳақи, даромад солиғи, прогрессив ставка, давлат бюджети, пенсия жамғармаси, асосий иши жойи, солиқ агенти, иқтисодий-математик усуллар.

Кириш

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини модернизациялаш шароитида иқтисодий ислохотларга мос равишда солиқ тизимида чуқур ўйланган чора тадбирлар, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлат солиқлар ёрдамида фуқароларнинг даромадлари ва турмуш даражасини тартибга солиб туради. Ушбу таъсирнинг қанчалик даражада бўлиши жисмоний шахсларнинг даромадларини легаллаштиришни, хусусий тадбиркорликка бўлган

қизиқишларни ва мулкнинг қайси ҳолатда сақланишини белгилаб беради. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, агар таъсир даражаси ҳам, солиқ юки ҳам юқори бўлса даромадларни кўпроқ яширишга мойиллик ортади, даромад олишга бўлган қизиқишлар бир мунча сўнади, аксинча, солиқ юки кам бўлса акс ҳолат юз беради.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджет-солиқ муносабатларининг кичик тизими сифатида, хусусан, уларнинг даромадларидан бир қисмини давлатнинг марказлаштирилган фондини ташкил этиш учун давлат бюджетига олиб қўйиш жараёнида юзага келган муносабатларни ўзида акс эттиради.

Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ўз асарида «Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бир томондан, ходимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлишга ёрдам кўрсатиши, меҳнаткашларнинг даромадларидаги тафовут асосиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим» (Каримов И. 1998) деб таъкидлаганлар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича бир қанча ҳуқуқий асослар яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқароларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадларини солиққа тортиш тизими Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларни солиққа тортиш тўғрисида”ги 227-ХП-сонли қонуни асосида жорий қилинди.

Ҳозирги кунда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига оид муносабатлар, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг махсус қисмига тегишли 6-бўлими, 29-33 боблари, 167-188 моддаларида ўз аксини топган.

Маълумки, жисмоний шахслар меҳнат фаолияти эвазига даромад олиш имкониятига эгадирлар. Даромадлар турли манбалардан ташкил этилиши, уларнинг даромадларига нисбатан чегараланган солиқ муносабатларини жорий этилиш заруратини келтириб чиқаради. Бу борада шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи фақат бюджет даромадларини оширишга хизмат қилиш билан чегараланмаслиги, балким кенг халқ оммасининг турмуш даражасини, даромад тўлов қобилятларини оширишга ҳам хизмат қилмоғи лозим.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда жисмоний шахслар ўзлари оладиган иш ҳақлари (даромадлари)дан тўлайдиган солиқ миқдорини аниқлаш бўйича бир қанча қулайликлар яратилган, бироқ уларнинг даромадларидан даромад солиғини ортиб борувчи яқун бўйича ҳисобланиши инобатга олинмаган. Шунинг учун, жисмоний шахсларнинг даромадларига нисбатан даромад солиғини ортиб борувчи яқун бўйича ҳисоблаш механизми иқтисодий-математик усуллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этувчи масалалардан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Аҳолининг даромадларидан ундириладиган солиқ бўйича кўплаб иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий қарашларида фикрларини баён этганлар.

Иқтисодий тафаккур вакиллари (Ж.М.Кейнс, Д.Локк, В.Петти ва бошқалар)нинг илмий ишларида келтирилишича жисмоний шахсларга прогрессив солиқ солиш энг баланд даражада ижтимоий адолатга эришиш ва даромадлар ўртасида фарқнинг камайиши ҳақида хулосалар келтирилган. Аммо шу билан бирга, бошқа олимлар, жумладан Р.Масгрейв, П.Масгрейв, И.В.Горский, В.Г.Пансков ва бошқалар таъриф беришича фақат прогрессив шкалани жорий этиш муаммонинг ечимини топишда ягона мазмунга эга бўлган ҳаракат бўла олмайди. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишда даромадга солиқ солишнинг қайта тақсимлаш салоҳиятидан фаол фойдаланувчи давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, адолат принципларини қарор топтириш учун солиқнинг прогрессив ставкасини солиқ чегирмаларидан кенг тарзда фойдаланган ҳолда ишлатиш энг афзал йўлдир (Изотова, 2014).

Ўзбекистон иқтисодчи олимлари А.В.Вахобов ва А.С.Жўраевларнинг фикрларига кўра, жаҳон амалиётида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар учун солиқ имтиёзлари ва юқори даромад олувчи шахслар учун прогрессив ставкалар белгилаш ҳам қўлланади, яъни аҳолининг кам даромад оладиган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида даромадларни бир қисми қайта тақсимланиши эътироф этилган (Вахобов ва Жўраев, 2009).

Иқтисодий адабиётларда солиққа иқтисодий тушунча сифатида кўплаб таърифлар, ҳамда унинг турли хил талқинларини учратиш мумкин. Жисмоний шахсларга даромад солиғини солиш – бу яна янги яратилган қийматнинг маълум бир қисмини олиш ва қайта тақсимлашдир (Романовский ва бошқ., 2008).

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг оптимал шкаласини аниқлаш замонавий оптимал солиқ солиш назариясининг асосий масалаларидир, унинг ривожланиш асоси 1971 йилда Нобель мукофоти лауреати Ж.Миррлиснинг мақоласида ўз ифодасини топган (Mirrlees, 1971). Ушбу мақолада у Ф.Рамсейнинг таҳлилий таърифномасини умумийлаштирди ва кенгайтди (Ramsey, 1927) ва бу соҳадаги кейинги тадқиқотларга асос бўлган математик моделни илгари сурди.

Миррлис моделининг даромад солиғига берган таърифида ҳукумат мақсади сифатида жамият фаровонлигини максималлаштириш ётади. Ҳукумат мақсади – солиқ шкаласини шундай танланиши керакки, умумий тушумнинг бир мунча берилган миқдорини йиғишдир.

Миррлис ишидан кейин чоп этилган Е.Садка (Sadka, 1976) мақоласида ҳайратда қолдирадиган даражада ва баҳсли натижаларни ифода этадиган фикр билдирилган, кейинчалик Н.Стерн (Stern, 1976) ва Ж.Сид (Seade, 1977) томонидан уларга мантикий тушунтириш берилди: даромад шкаласининг энг юқори нуқтасида солиқ ставкаси нолга тенг бўлиши керак. Шубҳасиз, ушбу шароитда солиқ шкаласини яратиш мумкин эмас. Шу маънода, Миррлис ва унинг издошлари ижтимоий фаровонлик бўйича солиқларнинг соддалаштириш таҳлилларини олиб боришган. Уларнинг ёндашувига кўра, жисмоний шахсларнинг даромадларини ошириш жараёнида солиқларни чизиқли ва пропорционал шкалаларга ажратиш муҳимлигига урғу берилган. Шунингдек,

даромад солиғининг табақаланиш тизимига алоҳида эътибор қаратган (Sheshinski, 1972).

Иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларига эътибор қаратадиган бўлсак, хорижлик олимлар томонида мавзу доирасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Бироқ, ўзбек иқтисодчи олимларининг илмий изланишларида жисмоний шахсларнинг даромадларига нисбатан даромад солиғини ортиб боровчи яқун бўйича ҳисоблаш механизми иқтисодий-математик усуллардан фойдаланган ҳолда ифодаланиши деярли учрамайди.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинадиган даромад солиғини иқтисодий-математик усулларда ифодалашга бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисобловчи математик формулалар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратиладиган мажбурий бадал (ФШЖБПҲАМБ)лари суммасини ҳисоблаш математик ифодаланган. Келтирилган формулалардан жисмоний шахслар бевосита фойдаланиб ўз даромадларидан ушлаб қолинадиган даромад солиғи миқдорини ўсиб боровчи тартибда соддароқ тарзда аниқлаш имконияти яратилган.

Таҳлил ва натижалар

Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш билан боғлиқ кўрсаткичларни ифода этган ҳолда, солиқни ҳисоблаш амалиётига математик ёндашиш учун айрим маълумотларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари (2006-2017 йиллар)

Энг кам ойлик иш ҳақининг даражаси	2006 йил	2007-2008 йиллар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 - 2017 йиллар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1 баробари									0%	0%
2 баробари										
3 баробари										
4 баробари										
5 баробари	13%	13%			10%	9%	8%	7,5%	8,5%	7,5%
6 баробари			12%	11%						
7 баробари										
8 баробари										
9 баробари										
10 баробари	20%	18%	17%	17%	16%	16%	16%	16%	17%	17%
10 баробаридан юқори	29%	25%	22%	22%	22%	22%	22%	22%	23%	23%


Солиқларни ундиришда прогрессив ставканинг қўлланилиши солиққа тортишнинг адолатлилиги принципининг амалиётга татбиқ қилинишида намоён бўлади.

Даромад солиғида прогрессивлик, оилавий аҳвол каби тушунчалар ўз аксини топади. XX асрнинг бошларига келиб даромад солиғи ва прогрессив солиқ солиш, солиқ тизимининг гулдастаси деб тан олинди десак хато бўлмайди.

Солиқнинг прогрессив ставкасида даромад ёки бошқа объект қиймати ошиб бориш билан бирга солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Масалан, Ўзбекистон солиқ қонунчилигида жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ бўйича шундай ставка қўлланилади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизда 2017 йилда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари 2016 йилдаги ҳолатда сақлаб қолинди (ПҚ-2699).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, солиқ солиш шкаласи йил бошидаги энг кам ойлик иш ҳақи (ЭКИХ) миқдори (2017 йил учун (149 775 сўм))дан келиб чиқиб аниқланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг йил давомида ўзгаришига қарамасдан қайта кўриб чиқилмайди.


Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси ФШЖБПҲАМБига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан "0" ставка бўйича солиқ солинадиган даромад (энг кам иш ҳақининг бир баравари) чегирилган ҳолда 1% миқдорда ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.



1-расм. Даромад солиғи ставкалари пасайтирилиши натижасида фуқаролар ихтиёрида қоладиган маблағларнинг 2009-2016 йиллардаги ўзгариши динамикаси (млрд.сўмда).

Манба: Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг йил якунлари ва янги йил учун белгиланган устувор вазифаларга бағишланган маърузалари маълумотлари асосида тайёрланди.

Даромад солиғини ҳисоблашда “0” даражали ставка киритилиши кам даромад олувчи жисмоний шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган. Шунингдек 2016 йилда 2015 йилдаги даромад солиғининг иккинчи шкаласи 8,5 фоиздан 7,5 фоизга туширилганлиги ҳисобига улар ихтиёрида 2016 йилда 235,4 млрд.сўмдан ортиқ маблағ қолиши назарда тутилган.



3-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджетидagi ўрни

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

Бугунги кунда жисмоний шахслар тўлаётган солиқ ва йиғимлар бюджет даромадларининг қарийиб 10-11 фоизини ташкил этмоқда.

Жадвал маълумотларидан, сўнгги йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумининг Давлат бюджети даромадларидаги фоизли улуши камайиб боришини кўриш мумкин, лекин шунга қарамасдан даромад солиғининг суммадаги улуши ортиб бормоқда. 2006 йилги давлат бюджети параметрлари бўйича ушбу солиқ давлат бюджети даромадларининг 14,9 фоизини, ташкил этган. 2015 йилда ушбу кўрсаткич 10,4 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бюджет даромадлари таркибида аҳамиятли эканлигидан дарак беради.

Юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, жисмоний шахсларнинг ойлик иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаш формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$d(M; K) = \begin{cases} 0, & 0 \leq M \leq K, \\ (M - K) \cdot 7,5\% - (M - K) \cdot 1\%, & K < M \leq 5K, \\ (M - 5K) \cdot 17\% + 4K \cdot 7,5\% - (M - K) \cdot 1\%, & 5K < M \leq 10K, \\ (M - 10K) \cdot 23\% + 5K \cdot 17\% + 4K \cdot 7,5\% - (M - K) \cdot 1\%, & M > 10K \end{cases} \quad (1)$$

бу ерда, $d(M; K)$ – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси, M – жисмоний шахснинг ойлик иш ҳақи, K – энг кам иш ҳақи миқдори.

(1) формулани ихчамлаб, фоизлар сонга ўгириб ёзилса, жисмоний шахснинг ойлик иш ҳақидан олинадиган даромад солиғини ҳисоблайдиган формулага эришилади:

$$d(M; K) = \begin{cases} 0, & 0 \leq M \leq K, \\ 0,065M - 0,065K, & K < M \leq 5K, \\ 0,16M - 0,54K, & 5K < M \leq 10K, \\ 0,22M - 1,14K, & M > 10K. \end{cases} \quad (2)$$

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги ФШЖБПҚАМБ суммасини ҳисоблаш формуласи эса қуйидагича ифодаланади:

$$p(M; K) = \begin{cases} 0, & 0 \leq M \leq K, \\ (M - K) \cdot 1\%, & M > K \end{cases} \quad (3)$$

ёки

$$p(M; K) = \begin{cases} 0, & 0 \leq M \leq K, \\ (M - K) \cdot 0,01, & M > K \end{cases} \quad (4)$$

бу ерда, $p(M; K)$ – ФШЖБПҚАМБ суммаси.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 186-моддасига асосан, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади. Бунда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасини, шунингдек энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг жорий йилнинг 1 январидаги ҳолати инобатга олинади.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш солиқ солинадиган база ҳамда ставкалардан келиб чиққан ҳолда даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 186-моддасига асосан (2) формулани умумий ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$d(M; K; n) = d\left(\sum_{i=1}^n M_i; K; n\right) - d\left(\sum_{i=1}^{n-1} M_i; K; n-1\right) \quad (5)$$

бу ерда, $n = 1, 2, \dots, 12$, M – жисмоний шахснинг n -ойдаги ойлик маоши миқдори,

K – энг кам иш ҳақи миқдори, $\sum_{i=1}^n M_i$ – жисмоний шахснинг n та ойдаги жами

ойлик маоши суммаси, $\sum_{i=1}^{n-1} M_i$ – жисмоний шахснинг $n-1$ та ойдаги жами ойлик

маоши суммаси, $d\left(\sum_{i=1}^{n-1} M_i; K; n-1\right)$ ва $d\left(\sum_{i=1}^n M_i; K; n\right)$ ларнинг қиймати (6) формула

ёрдамида топилади,

$$d\left(\sum_{i=1}^n M_i; K; n\right) = \begin{cases} 0, & 0 \leq \sum_{i=1}^n M_i \leq nK, \\ 0,065 \cdot \sum_{i=1}^n M_i - 0,065nK, & nK < \sum_{i=1}^n M_i \leq 5nK, \\ 0,16 \cdot \sum_{i=1}^n M_i - 0,54nK, & 5nK < \sum_{i=1}^n M_i \leq 10nK, \\ 0,22 \cdot \sum_{i=1}^n M_i - 1,14nK, & \sum_{i=1}^n M_i > 10nK. \end{cases} \quad (6)$$

(6) формула жисмоний шахснинг n та ойдаги меҳнат ҳақиға олган жами даромадидан олинган даромад солиғи миқдорини ҳисоблаш формуласи.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади (Солиқ кодекси, 2016).

Демак, (4) формулани умумий ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$p(M; K; n) = p\left(\sum_{i=1}^n M_i; K; n\right) - p\left(\sum_{i=1}^{n-1} M_i; K; n-1\right) \quad (7)$$

бу ерда, $n=1,2,\dots,12$, M – жисмоний шахснинг n -ойдаги ФШЖБПҚАМБ суммаси, K – энг кам иш ҳақи миқдори, $\sum_{i=1}^n M_i$ – жисмоний шахснинг n та ойдаги жами ФШЖБПҚАМБлар суммаси, $\sum_{i=1}^{n-1} M_i$ – жисмоний шахснинг $n-1$ та ойдаги жами ФШЖБПҚАМБлар суммаси, $p\left(\sum_{i=1}^{n-1} M_i; K; n-1\right)$ ва $p\left(\sum_{i=1}^n M_i; K; n\right)$ ларнинг қиймати (8) формула ёрдамида топилади.

$$p(M; K; n) = \begin{cases} 0, & 0 \leq M \leq nK, \\ \left(\sum_{i=1}^n M_i - nK\right) \cdot 0,01, & M > nK. \end{cases} \quad (8)$$

Мисол учун, битта жисмоний шахснинг 2017 йил давомида оладиган ойлик иш ҳақиға нисбатан ҳисобланган даромад солиғи ва ФШЖБПҚАМБни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Битта жисмоний шахснинг 2017 йил давомида оладиган ойлик иш ҳақиға нисбатан ҳисобланган даромад солиғи ва фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратиладиган мажбурий бадаллар (ФШЖБПХАМБ)и (сўм ҳисобида)

№	Ойлар	Иш ҳақи	Жами ойлик даромад	ЭКИҲ	Ўсиб боровчи умумий даромад солиғи*	Ўсиб боровчи даромад солиғи	Ўсиб боровчи ФШЖБП ХАМБ	Ҳар ойда алоҳида ФШЖБПХАМБ	Ҳар ойда алоҳида бюджетга тўланадиган даромад солиғи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Январь	1800000	1800000	149775	241758,75	225256,5	16502,25	16502,25	225256,5
2	Февраль	1750000	3550000	299550	472017,5	439513	32504,5	16002,25	214256,5
3	Март	1500000	5050000	449325	644776,25	598769,5	46006,75	13502,25	159256,5
4	Апрель	1950000	7000000	599100	921035	857026	64009	18002,25	258256,5
5	Май	1900000	8900000	748875	1185793,75	1104282,5	81511,25	17502,25	247256,5
6	Июнь	1550000	10450000	898650	1370052,5	1274539	95513,5	14002,25	170256,5
7	Июль	1800000	12250000	1048425	1611811,25	1499795,5	112015,8	16502,25	225256,5
8	Август	2400000	14650000	1198200	1991570	1857052	134518	22502,25	357256,5
9	Сентябрь	2450000	17100000	1347975	2382828,75	2225308,5	157520,3	23002,25	368256,5
10	Октябрь	2400000	19500000	1497750	2762587,5	2582565	180022,5	22502,25	357256,5
11	Ноябрь	2800000	22300000	1647525	3234346,25	3027821,5	206524,8	26502,25	445256,5
12	Декабрь	2500000	24800000	1797300	3637105	3407078	230027	23502,25	379256,5

*Ўсиб боровчи умумий даромад солиғи – ўсиб боровчи даромад солиғи ва ўсиб боровчи ФШЖБПХАМБи йиғиндисини ифодалайди.

Манба: Муаллиф томонидан мустақил равишда тайёрланди.

2-жадвалдаги жисмоний шахсининг даромад солиғи ва ФШЖБПҚАМБ суммалари (5)-(8) формулалардан фойдаланган ҳолда шакллантирилган.

Бундан ташқари, унинг бир йиллик даромад солиғини (6) формуладан фойдаланиб топишимиз мумкин. Бир йиллик даромади $\sum_{i=1}^{12} M_i = 24800000$ га тенг.

Бу даромад $\sum_{i=1}^{12} M_i = 24800000 > 10 \cdot 12 \cdot 149775 = 17973000$ лигини аниқлаймиз. Демак, бир йиллик даромад солиғи миқдори $d(24800000; 149775; 12) = 0,22 \cdot 24800000 - 1,14 \cdot 12 \cdot 149775 = 3407078$ сўмга тенг бўлар экан.

Жами йиллик ФШЖБПҚАМБи суммаси эса, $p(24800000; 149775; 12) = (24800000 - 12 \cdot 149775) \cdot 0,01 = 230027$ сўмга тенг.

Корхонадаги ходимларнинг иш ҳақларидан давлат бюджетига тушадиган бир йиллик жами даромад солиғи суммасини аниқлашни кўриб чиқайлик. Корхонанинг барча N нафар ходимларининг ойлар давомида ёки йиллик иш ҳақларидан олинadиган жами даромад солиғи суммасини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$D(M; n_1, n_2, n_3, n_4; Y; K) = 0,065 \cdot \sum_{i=1}^{n_2} M_i^2 + 0,16 \cdot \sum_{i=1}^{n_3} M_i^3 + 0,22 \cdot \sum_{i=1}^{n_4} M_i^4 - (0,065n_2 + 0,54n_3 + 1,14n_4) \cdot Y \cdot K \quad (9)$$

бу ерда, $M = \{M_1^1, M_2^1, \dots, M_{n_1}^1, M_1^2, M_2^2, \dots, M_{n_2}^2, M_1^3, M_2^3, \dots, M_{n_3}^3, M_1^4, M_2^4, \dots, M_{n_4}^4\}$ – барча ходимларнинг ойлик ёки йиллик иш ҳақлари миқдори, $M_{n_j}^j$ – j -шкалага тушадиган n_j -ходимнинг жами ойлик ёки йиллик иш ҳақлари, $n_1 + n_2 + n_3 + n_4 = N$, Y – ойларнинг сони, K – энг кам иш ҳақи миқдори.

Энди бирор хўжалик юритувчи субъектида фаолият кўрсатадиган ходимларнинг ойлик иш ҳақларидан олинadиган жами даромад солиқлари суммасини ҳисоблашга доир мисол кўриб чиқамиз.

Корхонанинг 50 нафар ходими 2017 йил давомида жами 649 728 400 сўм миқдоридан даромад олишган. Ходимларнинг 3 нафариники 1-шкала (0 фоиз)га, 17 нафариники 2-шкала (7,5 фоиз)га, 20 нафариники 3-шкала (17 фоиз)га ва қолган 10 нафариники 4-шкала (23 фоиз)га тушади ва уларнинг шкалаларга тушадиган жами иш ҳақлари мос равишда 3 674 400 сўм, 110 842 000 сўм, 285 972 000 сўм ва 249 240 000 сўмга тенг. Корхона ходимлари даромадидан ундирилган жами даромад солиғи суммасини аниқланг.

(9) формуладан фойдаланиб, корхона ходимларининг йиллик жами даромадларидан давлат бюджетига ундирилган жами даромад солиғи суммаси аниқланади:

$$D(M; 3, 17, 20, 10; 12; 149775) = 0,065 \cdot 110842000 + 0,16 \cdot 285972000 + 0,22 \cdot 249240000 - (0,065 \cdot 17 + 0,54 \cdot 20 + 1,14 \cdot 10) \cdot 12 \cdot 149775 = 65906973,5.$$

Демак, корхонадаги фаолият кўрсатадиган барча ходимларнинг йиллик даромадларига нисбатан қўлланиладиган даромад солиғи миқдори 65 906 973,5 сўмни ташкил қилар экан.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинадиган даромад солиғини иқтисодий-математик усуллар асосида ҳисоблаш ҳамда амалиётга қўллаш бўйича қуйидаги хулоса ва тавсияларни келтириш мумкин:

➤ ҳар бир даромад олувчи жисмоний шахслар ўзлари оладиган даромадлари ва улардан ушлаб қолинадиган солиқ миқдорини қулай, содда усуллар орқали аниқлаши, шунингдек фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратиладиган мажбурий бадалларнинг мазмун-моҳиятини англашлари, у сумма қайси манбадан шаклланишини аниқ билишлари ижобий натижа беради.

➤ таҳлиллар натижасида шуни тавсия қилиш мумкинки, мақолада келтирилган корхона ходимлари тўлайдиган умумий даромад солиғи миқдорини аниқлаш механизмини нафақат корхона, балки бутун республика миқёсида ҳам қўллаш;

➤ ушбу мақолани давом эттирган ҳолда келтирилган формулаларга барча таъсир этувчи омилларни инобатга олиб, республика миқёсида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумини прогноз қилиш учун қўллаш;

➤ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини **ортиб борувчи яқун бўйича** ҳисобланиши бўйича интерактив хизматлар тизимини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган фикрларимизни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўғри ҳисобланиши ва прогноз қилиниши бюджетга солиқ тушумларини ўз вақтида тушишига, солиқни ҳисоблашда оптимал усуллардан фойдаланиш ҳамда солиқ ставкасининг мақбул вариантини амалиётга қўлланилиши аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси: расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: Адолат, 2016 й.- 428 бет.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 360-бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли қарори.

4. Изотова О.И. Перспективы реформирования налога на доходы физических лиц как инструмента социальной политики государства. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва-2014.

5. Романовский М.В., Врублевская О.В., Сабанти Б.М. Финансы. – М.: Юрайт, 2008. – 504 с.

6. Mirrlees J.A. An Exploration in the Theory of Optimum Income Taxation. Review of Economic Studies. 1971. No. 38. P. 175-208.

7. Ramsey F.A. Contribution to the Theory of Taxation // Economic Journal. 1927. No. 37. P. 47-61.
8. Sadka E. On Income Distribution, Incentive Effects, and Optimal Income Taxation// Review of Economic Studies. Vol. 43. P 261-268, 1976.
9. Seade J. On the Shape of Optimal Tax Schedules// Journal of Public Economics. 1977. Vol. 7. P. 203-236.
10. Sheshinski E. The Optimal Linear Income Tax// Review of Economic Studies. 1972. Vol. 39. P. 297-302.
11. Stern N.H. On the Specification of Models of Optimum Income Taxation// Journal of Public Economics. 1976. Vol. 6. P. 123-162.
12. Vahobov A.V., Jo‘rayev A.S. “Soliqlar va soliqqa tortish” «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati Toshkent-2009. 448 b.